

## «Ўзагросуғурта» АЖ акциядорлари диққатига!

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида маълум қилади.

**Жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили):** «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри, Чилонзор 19-мавзе 61/2-уй.

**Йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой:** 2019-йил 29 июнь 11:00, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2-уй, манзилидаги жамият мажлислар залида.

### **Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана:**

- акциядорларни хабардор қилиш учун – 03.06.2019 йил;
- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун – 25.06.2019 йил.

### **Йиғилиш кун тартибдаги масалалар:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. «Ўзагросуғурта» АЖ Бошқарув раисининг 2018 йил бизнес-режасининг асосий кўрсаткичларини бажарилиши ва жамият ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Ўзагросуғурта» АЖ Кузатув кенгашининг 2018 йил яқунлари бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш.
5. «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
6. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва корпоратив бошқарув Кодекс тавсияларига риоя қилинишининг 2018 йил яқунлари бўйича мустақил баҳоланиши натижалари юзасидан ҳисоботини эшитиш.
7. «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2018 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарари ҳисоблари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
8. «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивиденд тўлаш тартибини тасдиқлаш.
9. Акциядорлар ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси, ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олинмаган дивидендларини жамият ихтиёрига ўтказиш.
10. Жамиятнинг 2019 йил учун йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамиятнинг Бошқарув раисини тасдиқлаш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини муддатини узайтириш.
12. «Ўзагросуғурта» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. «Ўзагросуғурта» АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) ҳамда йирик битим (битимлар) рўйхатини аниқлаш ва тасдиқлаш.
15. «Ўзагросуғурта» АЖ «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
16. «Ўзагросуғурта» АЖ «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
17. «Ўзагросуғурта» АЖ «Ижроия органи тўғрисида»ги Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
18. «Ўзагросуғурта» АЖ «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.
19. «Ўзагросуғурта» АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
20. «Ўзагросуғурта» АЖ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.
21. Жамиятнинг келгусида, кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда, эхтимоллий ҳомийлик (хайрия) ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш)га боғлиқ бўлган харажатларни тасдиқлаш, шу жумладан, Кузатув кенгашига, ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) бўйича шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ваколатини бериш.
22. Жамиятнинг молиявий барқарорлигини тиклаш мақсадида жамиятдаги мавжуд бўлган самарасиз маъмурий биноларни сотиш ҳусусида қарор қабул қилиш.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига доир ахборотлар (материаллар) билан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2 уй,

**жойлашган «Ўзагросуғурга» АЖнинг** биносида танишиш мумкин. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@agros.uz](mailto:info@agros.uz), веб сайти: [www.agros.uz](http://www.agros.uz).

**Телефонлар:** +998 (71) 216-57-35

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари 2019 йил 29-июнь куни соат 10:00 дан 10:55 гача рўйхатдан ўтказилади. Акциядорлардан шахсини тасдиқловчи ҳужжатга, акциядор вакилидан қонунчиликка асосан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлишлари сўралади.

**Жамият Кузатув кенгаши**